

## ТАЪЛИМ СИФАТИ – ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР.

Абдурахимова Турсуной Абдувоҳид қизи  
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти  
“Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар”  
кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистондаги олий таълим тизимида таълим сифати масаласи ҳамда бу жараёнга Болонья декларациясининг аҳамияти ҳақида муаллифнинг илмий изланишлари ёритилган.

**Калим сўзлар:** таълим сифати, Болонья декларацияси, трансформация, инклюзив университетлар, моноуниверситетлар, имплементация.

**Аннотация:** В данной статье описаны научные исследования автора по вопросу качества образования в системе высшего образования Узбекистана и значения Болонской декларации для этого процесса.

**Ключевые слова:** качество образования, Болонская декларация, трансформация, инклюзивные университеты, моноуниверситеты, реализация.

**Abstract:** This article describes the author's scientific research on the issue of the quality of education in the higher education system of Uzbekistan and the importance of the Bologna Declaration to this process.

**Key words:** quality of education, Bologna Declaration, transformation, inclusive universities, mono-universities, implementation.

Олий таълим тизими ва бу соҳада тадқиқод олиб борувчи файласуфлар фикрига кўра, таълим сифати масаласида ягона таърифни келтириш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Таълим сифати ҳақида сўз борар экан, бу жараённинг асосий ячэйкаси ҳисобланган Олий таълим тизими ва ундаги трансформация жараёнини четлаб ўтиш мумкин эмас. Чунончи, 1950 йилда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси биринчи протоколи 2-моддаси барча имзолаган давлатларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга мажбур қилди. 1966 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда олий маълумот олиш ҳуқуқини кафолатлаган бўлиб, унда қуйидагилар таъкидланган: «Олий маълумот ҳар кимнинг қобилиятидан келиб чиқиб, барча зарур чоралар ёрдамида барчага бир хил, хусусан, бепул таълимни босқичма-босқич жорий этиш керак»[1]. Европада олий таълимни ривожлантириш учун катта туртки Болонья декларацияси томонидан берилган. 1999 йил 19 июнда Болонья шаҳрида бўлиб ўтган махсус конференцияда 29 та Европа давлатларининг таълим вазирлари «Европа олий таълим зонаси» «Болонья декларацияси»ни қабул қилган[2]. Бугунги кунга келиб Болонья келишувига аъзо мамлакатлар сони 49 нафарга етди. Бу бутун қитъадаги олий таълим тизимларида сезиларли ўзгаришларга олиб келди, кўплаб мамлакатлар уч босқичли диплом тузилмасини қабул қилдилар, кредит-модуль тизимини жорий қилдилар ва уларнинг сифат кафолати механизмларини такомиллаштиришди. Болонья жараёни ривожланишда давом этмоқда ва Европа олий таълимнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва муаммоларига мослашмоқда.

Олий таълим тизими модернизациялашуви ҳақида тадқиқод олиб борган файласуф олима Насиба Жуманиёзованинг ёзишича, «Биз хорижий олий таълим тизими фаолиятни ўрганиб, уни бир неча тоифага бўлдик: кўплаб факультетларга эга бўлган нуфузли «инклюзив университетлар», олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими; кам миқдордаги факультетларга эга бўлган, кўпинча аспирантурасиз «аралаш» университетлар; битта факультети ёки таълим йўналиши бўлган

«моноуниверситетлар». Замонавий дунёда таълим сифати аллақачон иқтисодиёт рақобатбардошлигининг муҳим омилларидан бирига айланди. Мамлакатимизда таълимнинг миллий ва халқаро меҳнат бозорларида рақобатбардошлигини оширишни ривожлантириш 2030 йилгача бўлган Ўзбекистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига киритилган»[3;17]. 2030 йилгача олий таълимни ривожлантириш концепциясининг муҳим жиҳатларидан бири таълимнинг назарий билимлар устунлик қиладиган моделидан, амалий кўникмалар устунлик қиладиган моделга ўтиш масаласидир. Маълумки, юз йилликлар давомида таракқиёт бир маромда кечган ва оламшумул аҳамиятга эга кашфиёт ва ихтиролар аста-секинлик билан қўлланган. Бу эса фундаментал билимларга эга бўлиб, келгусидаги ўзгаришларни аста-секин ўзлаштириш имкониятини яратган. Бугунги кунга келиб эса, шиддат билан ривожланаётган замон ва маконда инсонларни бирор янгилик билан ҳайратлантириш амримаҳол. Бунинг ижобий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, жамият ҳаётига бирор бир янгилик ва ўзгаришларни тарғиб қилиш, уларда бунга нисбатан тушунча ҳосил қилиш энди муаммо эмас. Ўзгаришларни онсон қабул қилиш ёки янгиликларни тез ўзлаштириш маълум бир тизимни иплементация қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Биз Болонья жараёни томон одимлаб борар эканмиз ушбу йўлда биз хавф остида бўлмаслигимиз, Ўзбекистондаги олий таълим тизимининг энг яхши анъаналарини йўқотиш ва унинг сифати миллий стандартларини пасайтириш эмас, балки уни ривожлантириш ва янги сифат хусусиятларини эгаллашга қаратилган бўлиши керак.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. «Зона европейского высшего образования» – Болонская декларация.
2. Н.С.Жуманиязова – “Ўзбекистон олий таълим тизими модернизациялашувининг ижтимоий-фалсафий таҳлили” - дисс автореферати. Тошкент. 2022 й. Б-17.
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт – <https://lex.uz/docs/2686000>